

## ЯРМАРКАДА БОШЛАНҒИЧ ОЙЛИК МАОШ 2 МИЛЛИОНГАЧА БЎЛГАН 1500 ГА ЯҚИН ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси очилди. Учтепа ҳокимияти, Прокуратура ва Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада Тошкент шаҳри бўйича 1500 га яқин бўш иш ўринларига йўлланмалар берилди.

Ярмаркада таълим муассасалари, тиббиёт бирлашмалари, қатор банклар ва бошқа ташкилотлардан бир қанча фаолият турлари бўйича бўш иш ўринлари таклиф этилди. Касб-хунар коллежи битирувчиларига мўлжалланган иш ўринлари уларининг асосий қисмини ташкил этди. Шифохона лобаранти, тикувчи, сотувчи, электрик, жамоат транспорти ҳавдовчиси ва чиптачи, ошпаз ва яна бир қтаор соҳаларда ишлар таклиф қилинди.

Ушбу иш ўринларида бошланғич ойлик маош 400мингдан - 2 миллион сўмгача кўрсатилган. Ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилган ёшлар мутахассислиги бўйича йўналтирилиб, иш ўрни мавжуд муассаса ва ташкилотларга йўлланмалар берилди. Мазкур ярмаркада нафақат ўрта-маҳсус таълимни тамомлаган ёшлар балки пенсия ёшига етиб қолган фуқаролар ҳам иштирок этишди.